

Хотира абадий, қадр муқаддас!



Эл-юртининг тинчлиги, осойишталиги, эрки ва озодлиги учун курашган инсонлар ҳамиша халқимиз ардоғида бўлган. Шу боис юртимизда ҳар йили иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган юртдошларимиз хотираси доим ёдга олинади.

Бугун 9 май - “Хотира ва қадрлаш куни” ҳамда фашизм устидан қозонилган улуг ғалабанинг 79 йиллиги муносабати билан Термиз тумани марказидаги “Мотамсаро она” ҳайкали хиёбонида тадбир бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимлиги, тумандаги корхона ва ташкилотлар, ёшлар ва кенг жамаотчилик вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда туман ҳокими Шухрат Назаров иштирок этиб, юртимиз тинчлиги, ободлиги йўлида мардонавор жанг қилган аجدодларимиз хотирасини ёд этиш, уларга муносиб авлод бўлиш, эл-юрт тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилиш лозимлигини таъкидлади. Тадбирда Миллий гвардия ходимлари томонидан ҳарбийлаштирилган кўргазмали чиқишлар намоиш этилди.

Тадбирдан сўнг, нуронийлар ва фаоллар бир пиола чойга таклиф қилинди. Ўтганлар ҳаққига Қуръон тиловат қилинди.